

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ЁРДАМИДА САНОАТ СОҲАСИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Исроилов Дилшодбек Рустамович**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва  
тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10902062>

### Аннотация

Ушбу илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида саноат соҳасини яқин уч йиллик ҳолати, инвестиция лойиҳаларини саноат соҳасига жалб қилиниши кенг ёритиб берилган. Саноат соҳасини ривожлантиришда мамлакатимизда қўлланилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ҳам кўрсатилган.

**Калит сўз:** лойиҳа, инвестиция лойиҳаси, саноат соҳаси, ялпи ички маҳсулот, саноат тармоқлари, ҳудуд, фоиз.

Республика саноатини жадал ривожлантиришда янги замонавий механизмларни жорий қилиш орқали ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қўшимча захираларни яратиш мақсадида<sup>1</sup>: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 июлдаги “Маъмурий ислохотлар доирасида инвестициялар, саноат ва савдо соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-111-сон Фармони билан саноат тармоқларини тубдан ривожлантириш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида Саноатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганлиги ҳамда Саноатни ривожлантириш жамғармасига 1 млрд АҚШ доллари эквиваленти миқдорида маблағ жалб қилиниши, шу жумладан 2023-2024 йилларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 200 млн АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар ажратилиши белгиланди.

Саноатни ривожлантириш жамғармасининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: саноат тармоқларида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, соҳага замонавий технологиялар ва билимларни олиб кириш ҳамда меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга кўмаклашиш; юқори қўшилган қийматли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хусусий сектор корхоналарида маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятларини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 2023 йил 18 декабрдаги ПҚ-397-сонли Қарори

яратиш ҳамда уларни экспорт фаолиятига жалб қилиш ва янги бозорларни ўзлаштиришда иштирок этиш; юқори қўшилган қийматли ва янги юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган ва экспортбоп инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан саноат ипотекаси тизими орқали молиялаштириш.

2022 йилга келиб, мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритган мамлакатлар сони 50 дан ортди. Уларнинг орасида Россия, Хитой, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар етакчилик қилмоқда. Мамлакатга киритилаётган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 3,3 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунида ушбу кўрсаткич уч баробар ортиб, 9,8 миллиард долларга етди. Шу билан бирга, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2017 йилда 2,5 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 3,4 баробар ошиб 8,5 миллиард долларга етди. Уларнинг жами инвестициялардаги улуши эса 17,7 фоиздан 35,4 фоизгача ошди.

Саноатни ривожлантириш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 113,2 триллион сўмгача ошган. Бу эса иқтисодиётга киритилаётган жами инвестицияларнинг салкам ярми – 49,9 фоиз демакдир. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,2 фоиз пунктга юқоридир. Жумладан, тоғ-кон секторига киритилган инвестициялар улуши 9,9 фоизга, ишлаб чиқариш саноатига киритилган инвестициялар улуши 28,9 фоизга, энергия таъминоти соҳасига киритилган инвестициялар улуши 7,9 фоизга ошганини кўришимиз мумкин. Шу ўринда, тармоқларни тартибга солиш ва манзилли қўллаб-қувватлашнинг бевосита ва билвосита дастакларидан фойдаланиш натижалари кўрсаткичларига тўхталсак. Бунда тоғ-кон саноатида ишлаб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш 100,4 фоизни ташкил этди. Энергия таъминотида ўсиш суръатини сақлаб қолиш 108,9 фоиз, қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини ошириш эса 106,4 фоиздир<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа ҳудудларда саноат тармоқларини ривожлантириш учун тўртта имконият тақдим этилиши режалаштирилган:

Биринчи имконият – банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Бу – битта туманда ўртача 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча манба, дегани;

<sup>2</sup> Саноатни ривожлантириш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 113,2 триллион сўмга етди.

Иккинчи имконият – 2023 йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади;

Учинчи имконият – 2023 йилдан бошлаб, иқтисодий ривожланиши орқада бўлган тўртинчи ва бешинчи тоифадаги 60 та туманга 27 турдаги солиқ имтиёзи, субсидия ва преференциялар берилганидир;

Тўртинчи имконият – гиламчилик, уй текстили, чарм ва заргарлик тармоқлари учун тақдим этилаётган енгилликлар. Унга кўра, 2023 йилда тўқимачилик лойиҳаларига қўшимча 300 миллион доллар йўналтирилади.

Мамлакатимизда тадбиркорликка яратилган шароитлар туфайли ҳудудларда кичик ишлаб чиқаришлар кўпаймоқда. Одамлар иш билан таъминланиб, бозорбоп маҳсулотлар тайёрланмоқда. Лекин дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, транспорт-логистикадаги узилишлар бу тармоққа ҳам таъсир қилаяпти<sup>3</sup>.

2022 йилнинг 9 ойида юртимизда саноат 5,3 фоиз ўсган. Лекин, 65 та йирик ҳудудий корхонада ишлаб чиқариш камайган. Давлат томонидан маблағ ажратилган бўлса-да, 118 та саноат зонасига ҳалигача инфратузилма олиб борилмаган. Экспортда GSP+ имкониятидан етарлича фойдаланилмаяпти.

Маълумки, Ўзбекистон 2021 йили Европа Иттифоқининг GSP+ номли кенгайтирилган преференциялар тизимига қабул қилинган эди. Унинг доирасида 6 минг 200 дан ортиқ маҳсулот турларини Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин. Бунинг учун давлатимиз томонидан транспорт харажатларига 70 фоизгача субсидия ҳам берилмоқда. Лекин, тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 6 фоизи, электр техникасининг 3 фоизи, ипак ва озиқ-овқатнинг 1 фоизи Европага сотиляпти, холос.

Маҳаллий саноатнинг энг катта тармоқларидан бири – тўқимачилик. Сўнгги йилларда юртимиз тадбиркорлари бу йўналишни яхши ўзлаштирди. Шунга қарамай, ҳали ҳам четдан олиб келинаётган маҳсулотлар бор.

Шу боис “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасига камида 50 хил турдаги янги маҳсулотларни маҳаллийлаштириш бўйича вазифа қўйилди. Бундай лойиҳалар учун тижорат банкларига 100 миллион доллар, гиламчилик учун 50 миллион доллар маблағ жойлаштирилади. Европа давлатлари, Туркия, Миср, Марокашга газлама ва трикотаж мато экспорти учун

<sup>3</sup> Ҳудудларда саноатни ривожлантириш чоралари белгиланди. <https://yuz.uz/news/hududlarda-sanoatni->



транспорт харажатларининг 70 фоизи қоплаб берилади.

Умуман, тўқимачилик тармоғини янгича суръатда ривожлантириш, келгуси йилда 5 миллиард долларликдан зиёд экспорт қилиш бўйича дастур қабул қилинади.

Яна бир кенг қамровли йўналиш – қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Бу тармоқда маҳсулот тури ҳам, иш ўринлари ҳам кўп. Шу боис Президентимиз бундай корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган “саноат ипотекаси” дастурини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди. Бунга биринчи босқичда 50 миллион доллар йўналтирилади, кредитлар 7 йиллик, 2 йил имтиёзли давр билан берилади.

Нукус шаҳри, Булоқбоши, Қоровулбозор, Фориш, Чуст, Пахтачи, Сариосиё, Ўзбекистон туманларида қурилиш материаллари индустриал зоналари, Ангрен шаҳрида чинни идишлар ва сантехника буюмлари кластери ташкил этилиши айtilди. Бу тармоқда экспортни 1 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилди.


Мебелсозлик бугунги кунда халқ ҳунармандчилиги даражасига кўтарилган. Бухоро, Наманган, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Хоразмда 100 га яқин маҳалла шунга ихтисослашган. Президентимиз ҳунармандларга шароитларни кенгайтириш мақсадида бу маҳаллалар атрофида мебель саноати марказлари ташкил қилиш зарурлигини таъкидлаган.

Мебелсозлик учун божхона имтиёзлари муддатини 2024 йил 1 январга қадар узайтириш, бу тармоқдаги лойиҳаларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берилган.

Заргарликда ҳам имкониятлар жуда кенг. Юртимизнинг ўзида 300 миллион долларлик бозор бор. Бу талабни бемалол маҳаллий заргарлар қондириши мумкин. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш учун 1 декабрдан бошлаб, қатор енгилликлар белгиланди.

Жумладан, олтин ва кумушга кечиктириб тўлаш учун барча банклар ва Экспортни рағбатлантириш агентлиги кафолатлари қабул қилинади. Бу имконият якка тартибдаги заргарлар учун ҳам берилади. Заргарлик учун зарур хомашёларни вақтинча олиб кириш ва олиб чиқишда лицензия талаби бекор қилинади, қимматбаҳо ва безак тошлари божхона тўловларидан озод этилади.

Келгуси йилда экспортни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамыз. Бундан буён, тармоқларга субсидиялар экспорт ҳажмига қараб бериладиган тизим бўлади. Бугунги йиғилиш натижаси бўйича ҳудудий



саноатни ривожлантиришга қўшимча 300 миллион доллар ва 350 миллиард сўм маблағ ажратилади. Кўзланган марраларга эришилса, келгуси йилда қўшимча 2 миллиард доллар экспортни таъминлаш мумкинлиги тўғрисида мамлакатимиз президенти такидлаб ўтганлар.

Умуман, келгуси йилда 8 миллиард долларликдан зиёд ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш чоралари таҳлил қилинди. Ўзбекистоннинг элчиларига хориждан замонавий технологиялар ва инвестициялар жалб этиш вазифаси қўйилди.

Юртимизда 2023 йилнинг кейинги ярим йиллигида инвестиция дастурларидаги 1 минг 500 та лойиҳани тезлаштириш ва 12 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияни ўзлаштириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланган. Шунингдек, ҳукумат комиссияси томонидан иқтисодиётга катта туртки берадиган 97 та йирик саноат лойиҳаси тайёрланди. Улар орқали 6,7 миллиард доллар ўзлаштирилиб, 3 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш, 27 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш имконияти мавжуд<sup>4</sup>.

Инвестицияларни иқтисодиётнинг қуввати, дейиш мумкин. Яъни соҳа ва тармоқларга қанча кўп сармоя киритилса, шунча ривожланиб, имкониятлари кенгайиб бораверади. Масалан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини олайлик. Ҳозир одамлар ғиштга сувоқ уриб, уйни кўтариб олаверадиган аввалги даврлар эмас. Замон ўзгаряпти, шунга мос равишда инсонларнинг талаб ва истаклари ҳам олдингидек эмас. Мустаҳкам, тежамкор, инновацион қурилиш материалларидан фойдаланишга қизиқиш ошиб боряпти, улар асосида “ақлли уй”лар пайдо бўляпти. Ана шундай тежамкор, зилзилабардош, арзон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун эса шунга яраша қувват, қиммат технологиялар зарур. Буларни қўшимча сармоя, яъни инвестиция киритмасдан амалга ошириб бўлмайди.

Шу боис, Тошкент вилоятида ҳам инвестицияларни жалб қилишни янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Биргина жорий йилда умумий қиймати 696,5 миллион доллар бўлган 502 та лойиҳани амалга ошириш ва 17,5 мингга яқин янги иш ўрни очиш белгиланган. Биринчи ярим йилликда режадаги 316 та янги лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 7 минг 148 нафардан зиёд юртдошимиз иш билан таъминланди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўлами ҳам

<sup>4</sup> Ўнг кичик тармоқдан катта соҳаларгача инвестициялар йирик лойиҳаларга ўй очмоқда.

кичик эмас. Шу йилнинг январь-июнь ойларида бу борадаги ўсиш 117 фоизни ташкил этди, 321 миллион доллар ўзлаштирилди. Қайсидир ҳудудлар бу борада фаол бўлса, айримларида кечикиш кузатилган. Масалан, Бекобод, Бўка, Оққўрғон ва Чиноз туманлари биринчи ярим йилликда 5 миллион доллардан кам хорижий инвестиция жалб қилган ҳудудлардир. Шу боис, мазкур туманларда йил якунига қадар камида 15 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Чиноз туманидаги “Inter-trading-group” қўшма корхонаси томонидан умумий қиймати 4,5 миллион долларлик “Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси ҳамда “Marakanda Petroleum” МЧЖ томонидан умумий қиймати 5,5 миллион долларлик “Мотор мойлари ишлаб чиқариш” лойиҳасини амалга ошириш учун ҳар бирига 1 гектар ер аукцион орқали сотиб олинди. Қурилишни бошлаш учун канадалик ҳамкорлар билан музокаралар ўтказиляпти. Вилоятда инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини назорат қилиш бўйича алоҳида масъуллар бириктирилиб, ҳафталик мониторинг тизими йўлга қўйилган. Улар маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилиши ҳамда мақсадли сарфланишини назоратга олади.

Бу йўналишда йилнинг иккинчи ярмига мўлжалланган режалар ҳам оз эмас. Унга кўра, вилоятимизда йил якуни билан 375,7 миллион доллар хорижий инвестиция ва кредит ўзлаштирилади. Бу, биринчидан, олий даражадаги ташрифлар ва халқаро тадбирлар доирасида эришилган келишувлар натижасидаги лойиҳалар ҳисобига бўлса, бошқаси “лойиҳа гуруҳлари” томонидан шакллантирилган ва музокаралар олиб борилган хорижий компаниялар лойиҳаларини ишга тушириш орқали таъминланади. Қолаверса, ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан қўшимча 40-50 миллион долларлик хусусий инвестицияларни ўзлаштириш чоралари кўрилади.

Вилоятда 11 минг 48 та саноат корхонаси давлат рўйхатидан ўтган, шундан фаолият кўрсатаётганлари 7 минг 208 тани ташкил этади. Ишлаб турган корхоналарда жорий йил якунига қадар 100,5 триллион сўмлик саноат маҳсулоти тайёрланиб, ўсиш суръати 105,3 фоизни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт режаси эса вилоят бўйича 1 миллиард 124 миллион долларга етиши кутилмоқда. Биринчи ярим йилликдаги натижалар ҳам шунга ишончни оширади. Боиси, бу даврда 509 миллион долларлик саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиниб, ўтган





йилнинг мос даврига нисбатан 115,3 фоиз юқори натижадорликка эришилди.

Маҳсулотлар экспорт бозорини кенгайтириш, экспорт қилинувчи маҳсулот турлари ва корхоналар сонини ошириш бўйича мақсадли кўрсаткич ва амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунда асосий 3 та жиҳатга эътибор қаратиляпти:

Биринчидан, мавсумий мева-сабзавотлар айнаи пишган пайтда имтиёзли кредит ажратиш тизимини жорий қилиш йўлга қўйилади. Иккинчидан, мева-сабзавот маҳсулотлари таркибини ўрганадиган замонавий ва жаҳон стандартлари талабларига мос текширув лабораториялари ташкил этилади.

Учинчидан, камида 4 та йўналишда экспортни амалга ошириш имконини берадиган сув транспортидан фойдаланиш назарда тутилмоқда. Бу Каспийбўйи мамлакатлари - Озарбайжон, Қозоғистон, шунингдек, Арманистон билан ўзаро келишувлар асосида олиб борилади. Қўшни мамлакатлар орқали денгизга чиқиш ва ундан асосий транспорт воситаси сифатида фойдаланиш юк ташишдаги вақтнинг 2 баробар қисқариши, транспорт харажатлари эса 1,5 баробар арзонлашишига олиб келади.

Саноат ўсиши учун янги имкониятлар ва қўшимча молиявий ресурслар берилади.

Биринчидан, банк нормативлари қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларида корхоналарга кредит ажратиш учун қўшимча 55 триллион сўм ресурслар таъминланади. Бу – ўртача битта туманда 20 миллион долларлик инвестицияга қўшимча ресурс, дегани. Энг аввало, тижорат банклари билан бирга ҳокимларни бу пулларни ишлатишга ўргатиши керак. Кўп туман ҳокимлари тайёр маблағни ишлатишни ҳали билмайди, деб таъкидланди йиғилишда. Шу муносабат билан ҳар бир туман бўйича қўшимча лойиҳалар ва уларнинг “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, аввал ишга тушган 807 та лойиҳа ҳамда паст қувватда ишлаётган 271 та корхонани айланма маблағ билан таъминлашга топшириқ берилди.

2023 йилда саноат зоналари ва йирик инвестиция лойиҳалари инфратузилмаси учун 1,7 триллион сўм йўналтирилади. Шунингдек, “Ғиждувон” ва “Қўқон” эркин иқтисодий зоналари худуди кенгайтирилади. Қорақалпоғистон ва Қашқадарёда “Ургут” эркин иқтисодий зонасининг филиаллари ташкил этилади.





**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноатни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 2023 йил 18 декабрдаги ПҚ-397-сонли Қарори
2. Алимов, Б. Б. (2023). ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ–БИЗНЕСНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР. BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI, 3(2), 72-76.
3. Алимов, Б. (2023). ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ЛОЙИХАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 3(8), 186-199.
4. Алимов, Б. Б. (2023). ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР АСОСИДА ЎЗБЕКИСТОН ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Gospodarka i Innowacje., 38, 28-37.
5. Ганиходжаев, Б., Суюнов, Д., Кенжабаев, А., & Кувандиков, А. (2023). РАЗВИТИЕ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЕЕ ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ. Экономика и бизнес: теория и практика, (3-1 (97)), 38-43.
6. Суюнов, Д., & Хошимов, Э. (2018). Методологические аспекты оценки эффективности корпоративного управления в акционерных обществах. Экономика и инновационные технологии, (2), 213-225.
7. Суюнов, Д. Х., & Хошимов, Э. А. (2018). Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг методологик жиҳатлари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали, 2.
8. Саноатни ривожлантириш учун йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми 113,2 триллион сўмга етди. <https://aniq.uz/yangiliklar/sanoatni-rivojlantirish-uchun-yunaltirilayotgan-investitsiyalar-hajmi-113-2-trillion-sumga-etdi>
9. Ҳудудларда саноатни ривожлантириш чоралари белгиланди. <https://yuz.uz/news/hududlarda-sanoatni-rivojlantirish-choralari-belgilandi>
10. Энг кичик тармоқдан катта соҳаларгача инвестициялар йирик лойиҳаларга йўл очмоқда. <https://yuz.uz/news/eng-kichik-tarmoqdan-katta-sohalargachainvestitsiyalar-yirik-loyihalarga-yol-ochmoqda>

